

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 322 (575.1)
Х-40**

Хашимов Мухиддин Исмаилович

**ЮНЕСКО ФАОЛИЯТИДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИ
(Ўзбекистон Республикаси мисолида)**

24.00.01 – Диншунослик

**Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2009

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

филология фанлари доктори, профессор
Кароматов Ҳамидулла Саъдуллаевич

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори, профессор
Нуриддинов Эркин Зухриддинович

сиёсий фанлар номзоди
Джўраев Қодир Асадович

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик
институтини

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети қошидаги Д 005.11.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил “ ____ ” _____ куни соат ____ да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11.

Диссертация билан Тошкент ислом университетининг илмий кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11).

Автореферат 2009 йил “ ____ ” _____ да тарқатилди.

**Д.005.11.01 Ихтисослашган
кенгаш илмий котиби**

т.ф.н., доц. Д.Рахимджанов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда асрлар давомида шаклланган ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибатлилиқ каби қадриятлар халқимизнинг тарих синовларидан ўтишида муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, ўзбек халқи маънавий меросида бағрикенглик маданиятини қарор топтиришга қаратилган қадриятлар ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аجدодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради”¹.

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини тобора мустаҳкамлаб бориши, мамлакатда амалга оширилаётган ҳозирги сиёсий ва иқтисодий ислохотлар билан биргаликда ижтимоий тараққиёт, айниқса, миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштиришда бағрикенгликни қарор топтириш каби мураккаб вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан диний бағрикенглик борасидаги ҳамкорлигини ўрганишнинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

биринчидан, бугунги кунда дунё ҳамжамияти мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан диний бағрикенгликнинг халқимиз ўтмиши, ҳозирги ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу борада халқаро ҳамкорлик масалаларини илмий-назарий тадқиқ қилиш долзарб мавзулардан саналади.

Иккинчидан, юртимиз осойишталиги, жамиятимиз тараққиёти, инсон камолотини таъминлайдиган умуминсоний қадриятларни белгиловчи мезонлардан бири - бағрикенгликдир. Миллий, диний қадриятларнинг тикланишида, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни қарор топтиришда бағрикенглик тамойилларининг аҳамияти катта бўлиб, у тарихий ҳамда замонавий асосларига эга.

Учинчидан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштиришда ўзига хос тажриба орттирилди. Шу боис, Ўзбекистон тажрибасини хорижий демократик давлатлар мисолида қиёсий-назарий тадқиқ этиш, халқаро ташкилотлар тажрибасидан фойдаланиш, республикамиз ҳуқуқий меъёрий-ҳужжатларини халқаро андозаларга мослаш ҳамда улар билан янада уйғунлаштириш илмий ва амалий аҳамиятга молик масалалардан биридир.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 21.

Тўртинчидан, Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда обрўли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги алоҳида эътиборга эга.

БМТ тизимида маданият, илм, фан ва коммуникация ёрдамида тинчликни сақлаш ва уни мустаҳкамлашда ЮНЕСКОнинг роли бекиёсдир. Бу Ташкилотни Президентимиз И.А.Каримов қуйидагича таърифлайди: “Биз ЮНЕСКО тимсолида энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимига ижодий ёндашишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос, бетакрор халқаро ташкилотни кўрамыз”¹.

Бешинчидан, ҳозирги кунда ЮНЕСКО тинчлик ва хавфсизликни сақлаш мақсадида диний бағрикенглик масалаларига алоҳида эътибор бериб, аъзо-давлатлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ва дастурларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлиб кириши ва у билан кундан кунга ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларининг кейинги босқичларини илмий асослаб бериш, республикамыз эришган ютуқлари билан бирга ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни аниқлаш, мамлакатимиз таълим, фан ва маданиятини янада юқори даражага кўтариш муҳимдир. ЮНЕСКО ҳамда унга аъзо давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини атрофлича тадқиқ қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг ютуқларини жаҳон ҳамжамияти олдида тарғиб этиш мамлакатимиз учун катта аҳамият касб этмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги йилларда диний экстремизм ва халқаро терроризм кучайиб дунёга хавф солиши халқаро ташкилотлар ҳамда жаҳон тадқиқотчиларини диний бағрикенгликка алоҳида эътибор беришга ундамоқда.

ЮНЕСКО ташкилоти, унинг халқаро муносабатларда тутган ўрни, аъзо-давлатлар билан ҳамкорлиги, диний бағрикенглик соҳасида амалга оширилаётган дастурларини ўрганиш, миллатлараро ва динлараро мулоқот масалаларини тадқиқ қилишда Ўзбекистон ҳамда хорижлик олимлар томонидан қатор ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда.

Мавзуга доир тадқиқотларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. ЮНЕСКО тарихи, маданиятлар ва динлараро бағрикенгликка бағишланган дастурлари, бу борада ҳамкорлик масалалари Фарб олимлари томонидан ўрганилган. Жумладан, Х.Кельзен, Я.Симонидас, В.Володин, К.Уелслар² ўз асарларида БМТ ва унга ихтисослашган ташкилотлар тарихи, мақсад ва вазифаларини, дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш борасида халқаро ҳамкорлик масалаларига

¹ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 205.

² Kelsen H. Law of the United Nations. - N.Y.: 1950. – 330 p.; Symonides J., Volodin V. UNESCO and Human Rights. Standart-setting instrument, major meetings, publications. Second edition. – Paris: UNESCO, 1999. – 537 p.; Wells C. The UN, UNESCO and the politics of knowledge. – London: The Macmillan Press, 1987. – 270 p.

эътибор қаратганлар. С.Л.Мишель, Ф.В.Мартинес, Г.Арчибалд¹ каби Ғарб олимлари ЮНЕСКО ташкил топиши, унинг ташкилотчилари ва ривожланиш тарихини чуқур ўрганиб, атрофлича таҳлил қилганлар. ЮНЕСКО собиқ Бош директори Ф.Майорнинг² илмий фаолияти муаммони ўрганишда муҳим ўрин тутди. У ўзининг тадқиқотларида динлараро мулоқотни ривожлантиришга алоҳида урғу бериб, ЮНЕСКО “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”ни ишлаб чиқишда ва уни қабул қилинишида катта роль ўйнаган.

2. Сўнгги йилларда АҚШ ва Ғарб олимлари томонидан дунёда содир этилаётган воқеалар, хусусан, диний экстремизмнинг кучайиши билан боғлиқ муаммоларни намоён бўлиши сабабларини аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича турли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада таниқли олим Самюэль Филлипс Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви ва дунё тизимини қайта қуриш”³ асаридаги ХХІ асрда диний муросасизлик ва карама-қаршиликлар умумглобал хавфсизликка раҳна солади, деган башорати кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Ғарб олимларидан К.Делевуа, К.Дебуа, Ж.Кэпель, Р.Леволарнинг⁴ тадқиқотларида Европада мусулмонлар сони ортиб бориши натижасида вужудга келаётган муаммолар, диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг бу минтақада намоён бўлиш сабаблари, динлараро тотувлик ва бағрикенглик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур муаммоларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, жумладан, бу борада таълим соҳасининг аҳамияти Э.Вейсель, Э.Умберто, Ж.Делор⁵ асарларида кенг очиб берилган. Улар диний муросасизлик, фанатизмни олдини олиш мақсадида ёшларга болалик чоғлариданоқ диний бағрикенглик ва турли динлар ҳақидаги маълумотлар бериб бориш муҳимлигини таъкидлаганлар.

Мавзуни ўрганишда Франция Президенти Н.Саркозининг “Республика, динлар, умид”⁶ асари алоҳида аҳамият касб этади. Н.Саркози ўз тадқиқотида Францияда давлат ва дин ўртасидаги муносабат, мусулмон жамиятини француз ижтимоий ҳаётига интеграция қилиш бўйича қатор тавсия ва таклифлар ишлаб чиққан. Имомларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш, диний

¹ Michel C.L. The Story of grand design: UNESCO 1946-1993: people, events and achievements. – Paris: UNESCO, 1994. – 515 p.; Martinez F.V. Histoire de l’UNESCO. – Paris: UNESCO, 1995. – 471 p.; Archibald G. Les Etats Unis et l’UNESCO, 1944-1963 : les rêves peuvent-ils résister à la réalité des relations internationales? – Paris: Publications de la Sarbonne, 1993. – 380 p.

² Mayor F. UNESCO – un ideal action. The continuing relevance of a visionary text. – Paris: UNESCO, 1997.-124p.

³ Samuel P.Hungtington. The Clash of Civilizations and Remaking of World Order. –New York: Simon & Schuster Paperbacks, 1996. – 367 p.

⁴ Christophe Deloire et Christophe Dubois. Les Islamistes sont déjà là. –Paris: edition Albin Michel, 2004. - P. 348.; Gilles Kepel. Fitna, geurre au coeur de l’islam. Editions Gallimard, 2004, - Paris. - P. 380.; Kepel G. et Leveau R. Les musulmans dans la société française. - Paris, Sodis, 1988. - P. 202.; Elie Wiesel, Umberto Eco. Académie universelle des cultures (France). L’intolerance: Forum international sur l’intolerance; UNESCO, 27 mars 1997, la Sarbonne, 28 mars 1997. – Paris: Editions Grasset & Fasquelle, 1998 . – 294 p.

⁵ Elie Wiesel, Umberto Eco. Académie universelle des cultures (France). L’intolerance: Forum international sur l’intolerance; UNESCO, 27 mars 1997, la Sarbonne, 28 mars 1997. – Paris: Editions Grasset & Fasquelle, 1998 . - P. 294.; Jacques Delor. Learning: the Treasure Within, Report to UNESCO of the International Commission on Education for the Twenty-first Century, UNESCO, 1997. – 75 p.

⁶ Nicolas Sarkozy. La Republique, Les religions, l’esperance. – Paris, 2004. – 172 p.

экстремизмни қўллаб-қувватловчи халқаро жамғармалар ёрдамларини назоратга олиш ва хорижий давлатлар таъсирини чеклаш каби тавсиялар шулар жумласидандир.

3. Совет даврида халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО фаолияти ва унга аъзо-давлатлар билан ҳамкорлигининг турли масалаларига бағишланган тадқиқотлар олиб борган С.А.Малинин, Л.К.Менахем, М.Негин, К.П.Рубаник, П.Радойнов, У.Ф.Шибаеваларнинг¹ асарлари совет мафкураси нуқтаи назаридан ёзилган бўлиб, уларда асосий эътибор социализм ғалабаси ва унинг халқаро майдондаги тарғибот ишларига қаратилган. Бугунги кунда илмий фаолият олиб бораётган Россия олимлари М.А.Лященко, Т.Н.Нешатаеваларнинг² тадқиқотлари эса халқаро ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини ҳар томонлама очиб бериш ҳамда таҳлил қилишга йўналтирилган.

4. Ўзбекистонда ҳам диний бағрикенглик мазмун-моҳияти, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, диншунослик муаммоларини тадқиқ қилган юртимиз олимлари А.С.Очилдиев, А.А.Ҳасанов, З.И.Мунавваров, Ш.Миноваров, Ш.Сирожиддинов, Ҳ.С.Кароматов, М.А.Ражабова, Ибрагим Каримов, М.Имомназаровларнинг³ асар ва тадқиқотлари диний бағрикенглик масалаларини ёритишга маълум маънода ёрдам беради. Кейинги йилларда З.М.Хуснидинов, Ш.А.Ёвқочев, Ғ.С.Кароматовлар⁴ ўз тадқиқотларида минтақамизда кучайиб бораётган диний экстремизм ва халқаро

¹ Малинин С.А. Мирное использование атомной энергии. – М.: 1971. – 176 с.; Менахем Л.К. Специализированные учреждения Организации Объединенных Наций. – М.: Международные отношения, 1955. – 236 с.; Негин М. Организация Объединенных Наций по вопросам просвещения, науки и культуры (ЮНЕСКО). – М.: Международные отношения, 1959. – 109 с.; Рубаник К.П. Международно-правовые проблемы ЮНЕСКО. – М.: Международные отношения, 1969. – 166 с.; Радойнов П. Правотворческие функции на международной организации. – София, 1975. – 389 с.; Шибаева Е.А., Поточный М. Правовые вопросы структуры и деятельности международных организаций. – М.: Московский государственный университет, 1988. – 188 с.; Шибаева Е.А. Правовой статус межправительственных организаций. – М.: Юридическая литература, 1972. – 176 с.; Её же. Право международных организаций: вопросы теории. – М.: Международные отношения, 1986. – 158 с.

² Лященко М.А. Политика и деятельность ЮНЕСКО в области образования (вторая половина XX века): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: Московская гуманитарно-социальная академия, 2002. – 19 с.; Международные нормативные акты ЮНЕСКО. – М.: Логос, 1993. – 640 с.; Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. Новые тенденции в международно-правовом регулировании. – М.: Дело, 1999. – 272 с.

³ Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 124 б.; Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – 246 б.; Ҳасанов А., Мунавваров З., Миноваров Ш., Сирожиддинов Ш. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик – тинчлик гарови. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005. – 48 б.; Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – 292 б.; Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий этикодлар тарихи. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2008. – 664 б.; Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. – Т.: Мовароуннахр, 2000. – 163 б.; Каримов Ибрагим. Философский анализ гнесеологических, психологических и социологических особенностей феномена веры: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Т.: 1993. – 58 б.; Имомназаров М. Огоҳ бўлайлик. – Т.: Академия, 1999. – 162 б.

⁴ Хуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – 162 б.; Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема религиозного экстремизма: Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Т.: 1993. – 38 б.; Кароматов Ғ.С. Ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти: Фал. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 1999. – 21 б.

терроризмнинг жамиятимизга таъсири, муаммолари ҳамда уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритганлар. Шу билан бирга, ҳуқуқшунос А.Саидов ҳамда М.Раҳимов¹ тадқиқотларида Ўзбекистон ва БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари ёритилган. Шу ўринда А.Мўминовнинг² Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатларига бағишланган тадқиқоти бу мавзунини ёритишда маълум даражада ёрдам беришини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида диний бағрикенглик соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалаларига қаратилган махсус тадқиқотлар етарли даражада эмас. ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳамкорлигида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик мавзусини ўрганиш ҳали республикаимизда алоҳида илмий-тадқиқот объекти бўлган эмас.

Диний бағрикенгликни ривожлантиришдаги республикаимиз ютуқларини жаҳон ҳамжамияти олдида тарғиб қилиш, Ўзбекистон тажрибасини чет давлатлар билан қиёслаб кўриш ва тажриба алмашиш, илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш тарих, фалсафа, маданиятшунослик, социология, диншунослик каби фанларнинг мутахассислари томонидан тадқиқ қилиниши давр талабига айланди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси илмий-тадқиқот мавзулари доирасига киритилган ва университет Илмий кенгашининг 2003 йил 8 ноябрдаги (06-16 - сонли баённома) мажлисида тасдиқланган.

Тадқиқот мақсади. ЮНЕСКО фаолияти ва Ўзбекистон ЮНЕСКО ҳамкорлиги мисолида дунёда барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда диний бағрикенглик тамойиллари аҳамиятини аниқлаш.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенгликка бағишланган тадбирлар мазмун-моҳиятини очиқ бериш;
- бағрикенглик тушунчасининг ҳуқуқий асослари ҳамда тарихий-қиёсий жиҳатларини илмий-назарий таҳлил этиш;
- Ўзбекистон халқлари ижтимоий ҳаёти ва тараққиётида диний бағрикенглик тамойилларининг тарихий ва замонавий мезонлар асосида ўрганиш, унинг ҳозирги давр учун аҳамиятини аниқлаш;
- Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни қарор

¹ Саидов А.Х. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2002.; Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адолат, 2001. – 164 б.; Раҳимов М. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан кўп томонлама ҳамкорлиги // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари: Даврий тўплам. 3-сон. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 19-22.

² Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 209 б.

топтириш ҳамда мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар дунё миқёсида эътироф этилиши ва орттирилган тажрибани жаҳон ҳамжамиятида тарғиб этиш йўлларини ўрганиш;

- ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ўртасида динлараро мулоқотни ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик алоқаларини тадқиқ этиш;

- ЮНЕСКОга аъзо-давлатлардан бири Францияда дин омилининг ижтимоий ва маданий ҳаётда тутган ўрнини аниқлаш, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирларнинг Ўзбекистонда амалга оширилган тадбирлар билан ўхшашлик ҳамда фарқли жиҳатларини қиёсий таҳлил этиш.

Тадқиқот объекти. Динлараро мулоқотни ривожлантиришга бағишланган ЮНЕСКО фаолияти тадқиқотнинг объекти этиб танланди.

Тадқиқот предмети. ЮНЕСКО ва унга аъзо-давлатлардаги илғор тажрибаларни Ўзбекистонда татбиқ этилиши тадқиқотнинг предмети сифатида белгиланди.

Тадқиқот методлари. Диссертация мавзусини ёритишда ЮНЕСКО ҳужжатлари, халқаро анжуманлар материаллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Президент И.А.Каримов асарларида дин омили, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик билан боғлиқ масалаларнинг турли жиҳатлари, ҳукумат қарорлари тадқиқотимиз учун асосий назарий манба бўлди.

Диссертацияда динлар ва маданиятлараро мулоқот, бағрикенглик ва мурасизлик каби омилар билан боғлиқ тарихий ҳамда замонавий жараёнлар ҳолислик ва илмийлик тамойиллари асосида тарихий-таҳлилий, қиёсий-таҳлилий усулларида ёритилди.

Тадқиқотнинг манбашунослик асослари. Мавзуни ёритишда БМТ, ЮНЕСКО уставлари, резолюция ва қарорлари, “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” ва мавзуга доир халқаро конференцияларнинг расмий ҳужжатлари тадқиқотнинг манбавий асосларини таъминлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, жумладан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жорий архиви, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти ҳужжатлари халқаро, давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятини ёритиш ҳамда диний бағрикенгликни таъминлашдаги ўрнини белгилашга ёрдам берди.

Шунингдек, Ғарб олимлари Ф.Майор, С.Хантингтон, Н.Саркози, О.Руа, Ж.Кэпель, Ж.Делор асарлари ва тадқиқотларидан ҳам истифода этилди.

Тадқиқотнинг хронологик чегаралари Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Шунингдек, республикамизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлик тарихининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, Ташкилот тарихи ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик даври каби асосий босқичларга бўлинди.

Тадқиқотнинг гипотезаси. Диний экстремизм ва халқаро терроризм хавфининг ошиб бориши сабабли мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштириш, айниқса, бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида ЮНЕСКО билан ҳамкорликни кенгайтириш.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар. ЮНЕСКО фаолияти ва унинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги доирасида диний бағрикенглик тамойиллари қуйидаги ҳолатларда кўрсатиб берилди:

1. Дунёда тинчликни мустаҳкамлаш мақсадида диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олиш, диний бағрикенгликни қарор топтиришда ЮНЕСКО фаолияти алоҳида ўринга эга.

2. “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” маданиятлар ва динлараро мулоқотни таъминлашдаги муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат сифатида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда ва амалга оширилмоқда.

3. Мамлакатимиз бой тарихий, илмий-маърифий, маданий меросини ўрганиш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш, шунингдек, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни қарор топтириш ҳамда уни мустаҳкамлаш борасида амалга ошириладиган ишлар дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

4. Ўзбекистонда маданиятлар ва динлараро бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш ва жаҳон ҳамжамиятида тарғиб этишда ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоҳида ўринга эга.

5. ЮНЕСКО Бош қароргоҳи жойлашган ва Европада мусулмон аҳолисининг сонига кўра аввалги ўринда турувчи Франция ижтимоий ва маданий ҳаётида дин омили муҳим ўрин тутди. Ушбу давлат ва Ўзбекистонда дин соҳасида олиб бориладиган ислохотларнинг ўхшашлик жиҳатлари мавжуд.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш мақсадида ЮНЕСКО билан ҳамкорликнинг тарихи ва назариясига оид махсус илмий тадқиқот биринчи марта амалга оширилмоқда.

Диссертациядаги илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- ЮНЕСКОнинг динлараро мулоқотни таъминлашдаги роли очиб берилди;

- ЮНЕСКО халқаро ҳужжатларида бағрикенглик тушунчасининг мазмун-моҳияти, тамойиллари тарихий-қийосий нуқтаи назардан яхлит таҳлил қилинди;

- мамлакатимиз тарихида диний бағрикенглик асослари ва унинг халқимиз маънавий ҳаётидаги аҳамияти ҳамда конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлашдаги Ўзбекистон тажрибасининг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътирофи кўрсатиб берилди;

- республикада виждон эркинлигини таъминлаш борасидаги амалий фаолият, мазкур жараён самарадорлигини оширадиган ижтимоий асосларнинг ЮНЕСКО ёрдамида кенгайтириб бориш имкониятлари очиб берилди;

- Франция ва Ўзбекистонда диний экстремизмнинг олдини олиш ҳамда бағрикенгликни ривожлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирларнинг ўзига хос ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бирламчи манбалар асосида қиёсий таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда қайд этилган фикр-мулоҳазалар ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик моҳияти, бу соҳада халқаро ҳамкорлик ҳақидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштиради. Тадқиқот натижалари Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви жараёнида дин омилининг инсон ҳуқуқларини таъминлашда ўзига хос ўрнини янада яққолроқ кўрсатади.

Тадқиқот хулосалари давлат, жамоат ҳамда диний ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришда қўлланилиши, тарбиявий ишлар учун мутасадди ташкилот, муассаса ва уюшмалар фаолиятида фойдаланилиши мумкин. Диссертация натижаларидан олий ўқув юртларида “Диншунослик”, “Маданиятшунослик”, “Халқаро ташкилотлар”, “Ўзбекистон тарихи” каби асосий ва махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация натижалари ва хулосалари Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини ёритиш масалаларига оид таҳлилий ҳужжатлар базасини яратиш, мамлакатимизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистондаги миллатлар ва динлараро тотувлик ҳақидаги маълумотларни кенг миқёсда тарғиб қилишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот жараёнида олинган натижалар, далил ва хулосалар қатор халқаро миқёсидаги илмий-назарий ва амалий анжуманларда эълон қилинган. Жумладан, қуйидаги маърузалар қилинган:

1) ЮНЕСКО бағрикенглик тамойиллари Ўзбекистонда (“Ўзбекистон ва Францияда диний бағрикенглик” номли халқаро анжуман: Париж, 2004 йил, март);

2) Ислом жамоаси – Франция ижтимоий ҳаётининг муҳим омили (ЮНЕСКОнинг “Динлараро мулоқот дастури” доирасида Тошкент ислом университети, Франция мусулмон дунёси ва исломни тадқиқ қилиш институти билан ҳамкорликда ўтказилган “Марказий Осиёда диний бағрикенглик ва мутаассибликнинг ўзига хос кўринишлари” номли халқаро илмий анжуман: Тошкент, 2004 йил, март);

3) Ўзбекистон Республикасида динлараро мулоқотни таъминлашда давлат сиёсати (Тошкент ислом университети, ЎзР ФА Тарих институти, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти ва ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган “Марказий Осиёда ислом кадриятлари: бағрикенглик ва гуманизм” номли халқаро илмий-амалий анжуман: Тошкент, 2007 йил, июнь: маърузанинг тезислари нашр қилинган).

Диссертация 2008 йил 27 декабрда Тошкент ислом университети “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедрасида, 2009 йил 13 мартда ЎзР ФА Тарих институтида ҳамда 2009 йил 23 апрелда Тошкент ислом университети ҳузуридаги Д.005.11.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни диссертант томонидан чоп этилган 5 та мақола ва 1 тезисда акс этган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация адабиётлар рўйхати ва иловалар билан бирга 175 саҳифани ташкил қилади. Тадқиқотга 163 манба ва адабиётлар жалб қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, мавзуга оид муаммоларнинг ўрганилиш даражаси, илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг объекти, тадқиқотнинг методологик-услубий асослари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг апробацияси ҳамда тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

“ЮНЕСКО фаолиятида тинчлик ва бағрикенглик масалалари” номли биринчи боб икки банддан иборат бўлиб, унда ЮНЕСКО ташкил топгандан бери дунёдаги турли дин ва миллат вакиллари ўртасида тинчликни таъминлаш борасида жаҳон миқёсида олиб борилаётган ишлар – халқаро конференциялар ҳамда маданиятлар ва динлараро мулоқот маданиятида бағрикенглик тамойилларини барпо этишдек долзарб масалалар ўз аксини топган.

Мазкур бобнинг биринчи банди *“ЮНЕСКОнинг маданиятлар ва динлараро мулоқотни таъминлашдаги роли”* деб номланган. Унда БМТ доирасида тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи ЮНЕСКО ташкилотининг Уставида белгилаб қўйилган мезонлар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги татбиқи жараёнлари таҳлил этилган.

ЮНЕСКО 1945 йили ташкил топгандан бери бағриторлик ва дискриминацияга қарши қатъий кураш олиб бормокда. ЮНЕСКО Устави дебوحасида шундай дейилади: “Иккинчи жаҳон уруши инсонлар бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилиш, тенглик, инсон шахсиятини ҳурмат қилишдек демократик тамойилларини бузилиши ҳамда инсонлар, миллатларни тенгсизлиги фикри ва жоҳиллик туфайли юзага келди. Уруш ҳақидаги фикрлар одамларнинг онгида пайдо бўлади, шу сабабли

инсонларнинг онгига тинчликни ҳимоя қилиш ғояларини сингдириш лозим”¹.

Мана шундан бери ЮНЕСКО адолат, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, умумбашарий қадриятларни таъминлашга ҳаракат қилиб, давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиб келмоқда.

ЮНЕСКО доирасида ишлаб чиқилган ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган норматив ҳужжатлар долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Ҳозирги кунга келиб, ЮНЕСКО томонидан 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар – конвенция ва келишувлар, протоколлар тавсиялар, декларациялар тайёрланган ва қабул қилинган². ЮНЕСКОнинг халқаро конвенциялари халқлар ва давлатларнинг фан, таълим, маданият олдида турган вазифаларини баҳамжиҳат бажаришга ундайди.

Шу билан бирга ЮНЕСКО фаолиятида дискриминация ва бағриторлик билан курашиш учун қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, ЮНЕСКОнинг бевосита иштирокида “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги бутунжаҳон конвенция” (6 сентябрь, 1952 йил), “Ирқ ва ирқий хурофотлар тўғрисидаги декларация” (27 ноябрь, 1978 йил), “Динларнинг тинчлик маданиятига улуши декларацияси” (18 декабрь, 1994 йил)³, “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” (16 ноябрь, 1995 йил)⁴, “Инсон геноми ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси” (11 ноябрь, 1997 йил), ЮНЕСКО Ижроия қўмитаси 174-сессияси “Диний ва маданий белгиларни (символ), диний қадриятларни ҳамда сўз эркинлигини ҳурмат қилиш” қарори (30 март, 2006 йил)⁵ каби халқаро ҳужжатлар қабул қилинган.

Дунёда агрессив миллатчилик, бағриторлик, расизм, антесемитизм ҳаракатларининг ошиб бориши сабабли 1995 йили ЮНЕСКО “Динлараро ва маданиятлараро мулоқот” дастурига асос солинди⁶. Дастурнинг асосий мақсади – дунё халқлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида динлар, қадриятлар, турли маданиятлар орасида мулоқотни ривожлантиришга қаратилган.

ЮНЕСКО 2000 йилда “Тинчлик маданияти” концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу концепция БМТ томонидан қўллаб-қувватланиб, 2000 йил –

¹ ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари (Тўплам). – Т.: Адолат, 2004. – Б. 5.; ЮНЕСКО Устави 1945 йил 6 ноябрь Лондонда қабул қилинган. Тузатишлар бош конференциянинг 1-10, 12, 15, 17, 19-21, 24-29 ва 31-сессияларида киритилди.

² Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 49.

³ Kishore Singh. La contribution des religion a la culture de la paix, Rapport final de conférence de Barcelone (Espagne, 12-18 decembre 1994). – Barcelone: Centre UNESCO de Catalunya annexe, 1995. – P. 1–3.

⁴ Қаранг: ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004. – 296 б.

⁵ Қаранг: Решение 174 сессии Исполнительного совета ЮНЕСКО. Уважение свободы выражения мнений и уважение священных верований и ценностей, а также религиозных и культурных символов. 174 EX/42, – Париж, 30-март 2006 г. ЮНЕСКО. – С. 1.

⁶ Қаранг: UNESDOC. Division du dialogue interculturel de l’UNESCO Programme de dialogue interreligieux, Enquête sur l’éducation et l’enseignement du dialogue interculturel et interreligieux. – Paris: Edition UNESCO, 2001. – P. 2.

Халқаро тинчлик маданияти йили деб эълон қилинди¹. Бу концепция, нафақат қуролли можароларнинг олдини олади, шу билан бирга, ўзаро бағрикенглик, қийноққа солмаслик, маданият, анъана ва динларнинг ранг-баранглигини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларига амал қилиш қоидаларига асосланган янги жамиятни олға суради.

2001 йили ЮНЕСКО Бош конференциясининг 31-сессиясида кўп овоз билан қабул қилинган қарорга кўра (39-рақамли қарор), бағрикенглик кадриятлари, ўзаро бир-бирини тушуниш, маданий хилма-хиллик, тинчлик маданиятини амалга ошириш ва тарғиб қилиш ЮНЕСКОнинг бирламчи вазифалари қаторидан ўрин олди².

Умуман олганда, дунёнинг турли бурчакларида тинчликка қаратилган ЮНЕСКО дастурлари, расмий ҳужжатлари ушбу бандда илмий-назарий нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

Биринчи бобнинг *“Бағрикенглик тушунчасининг моҳияти ва тарихий-ҳуқуқий асослари”* деб номланган иккинчи бандида асосан бағрикенглик тушунчаси ва унинг тарихий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Жамиятда тотувлик ва ҳамжиҳатлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминловчи муҳим омиллардан бири – бағрикенглик тушунчаси узоқ тарихга бориб тақалади.

Минтақамиз буюк алломалари ижодида инсоният равнақи йўлида бағрикенглик ғоялари илгари сурилган. Жумладан, Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий асарларида диний мутаассиблик, ақидапарастликни келтириб чиқарувчи ғоялар рад этилган, инсонлар тақдирига хавф туғдирувчи омилларга лоқайд бўлмасликка, дунёда эзгулик, бағрикенглик қарор топиши учун курашга чорлаганлар.

Ғарб олимларидан Жон Локк эса фикрларнинг турлилиги эмас, балки ўзга қарашларни ҳурмат қилмаслик дин асосида турли можаро ва урушларга олиб келганлигини қайд этган. Франция маърифатчилиқ даврининг ёрқин намояндаларидан Франсуа Вольтер бағрикенглик ғоясини олға суриб, “мен сиз айтаётган сўзларингизга қаршиман, лекин ўз фикрингизни баён қилиш ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга жонимни фидо қиламан”³, -дейди.

ЮНЕСКО бағрикенгликни тарғиб этиш мақсадида, 1995 йилнинг 16 ноябрь куни “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”ни эълон қилар экан, ушбу кун ЮНЕСКОга аъзо-давлатларнинг мазкур идеаллари – таълим соҳасидаги қонунларни пухта ишлаб чиқиш ва режалаштириш орқали ҳаётга

¹ Раҳимов М. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан кўп томонлама ҳамкорлиги // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари: (Даврий тўплам) 3-сон. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 198.

² ЮНЕСКО ишчи ҳужжати. Actes de la Conference generale, 31e session. – Paris, 15 octobre-3 novembre 2001, v. 1: Resolutions Publ: – Paris, 2002; 31 C/ Resolutions Edition UNESCO – 89 p.

³ Қаранг: Фурньо В. Ғарб мамлакатларида ислом билан давлат ўртасидаги муносабат масаласи// З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. Ислом ва дунёвий маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 49.

жорий қилишга қаратилган, умумий хоҳиш истаги ва саъй-ҳаракатларининг ифодаси аниқ мақсадга йўналтирилган кун эканлиги алоҳида таъкидланди¹.

“Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да бағрикенглик тушунчасига аниқлик киритилиб, турли шарт-шароитларда давлат ва шахс муносабатлари, ҳуқуқ ва вазифалари белгилаб берилди.

Шу ўринда диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишда бағрикенгликнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаш жоиз. Таниқли Ғарб олими Жак Делор “терроризмнинг бутун жаҳонга хавф солиб туриши барчамизни унга қарши курашишга, тинчлик, хавфсизлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш учун бирлашишга ундайди”, деб таъкидлайди².

“Бағрикенглик” (толерантлик) сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб чидамлилик, бардошлилик, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эга дейиш мумкин³. Шундай бўлса-да, бугунги кунда чуқур ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий мазмун касб этган ушбу тушунчанинг кўпчилик томонидан тан олинган илмий таърифи йўқлигини, аммо уни ифодаловчи асосий сифат ва хусусиятларга умумий тавсиф берилганлигини таъкидлаш зарур.

ЮНЕСКО “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да бағрикенглик тушунчасига шундай таъриф берилган: “Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усуллари хурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очик мулоқот ҳамда ҳур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик – турли туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – тинчликка эришишни мушарраф қилгувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир”⁴.

“Бағрикенглик” тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, философия, илоҳиёт, ижтимоий ахлоқ, қиёсий диншунослик каби соҳаларда кенг истифода этиладиган тушунчалардан бири ҳисобланади. Лотинча “tolerare”, яъни “чидамоқ”, “сабр қилмоқ” маъносини англатган бу сўз, асосан бир

¹ Қаранг: Бағрикенглик тамойиллари декларацияси // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 91.

² Jacques Delor. Learning: the Treasure within // Report to UNESCO of the International Commission on Education for the Twenty-first Century. – Paris: UNESCO, 1997. – P. 28.

³ Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 8-9.

⁴ Бағрикенглик тамойиллари декларацияси // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 91.

инсоннинг бошқа инсон дунёқарашига тоқат қилишини билдирса-да, этимологик таҳлил унинг том маъносини доим ҳам очиб беравермайди¹.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашимиз керакки, бағрикенглик тушунчасининг зидди сифатида муросасизлик атамаси ишлатилади. Мазкур бандда бу тушунчалар тарихий мисоллар ёрдамида чуқур таҳлил этилган.

Ўз навбатида бағрикенглик ва муросасизлик тўғрисида Ғарб олимлари ва исломшунослар томонидан хилма-хил фикрлар билдирилган. Жумладан, тунислик исломшунос олим Муҳаммад Талби “Қуръон диний плюрализм, хилма-хиллик, эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқни очик-ойдин кўрсатиб берган ягона муқаддас китобдир”,-дея таъкидлаб, исломдаги бағрикенгликни ифодалайдиган бир неча оятларни шарҳлаган². Шу билан бирга, у динлар тарихидан мисоллар келтирган: “Халифа Умар (581-644) Қуддус шаҳрини забт этгандан сўнг яҳудийларга у ерда жойлашишга рухсат берди. Улар ва мусулмонлар орасида деярли барча соҳада ҳамкорлик алоқалари ривожланиб, X асргача давом этган”³.

Муросасизлик – ўзига мос келувчи шарт-шароитларни яратиш учун бошқаларнинг эркинликларини тан олмаслик тушунилади. Бағрикенглик нафақат ўзининг, балки бошқанинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Шунингдек, бағрикенглик шахснинг ўзига хос хусусиятларини йўқотишни англамайди, балки унинг ушбу хусусиятлари умумий қадриятни, яъни инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилинишини хоҳлайди⁴.

Самюэль Филлипс Хантингтоннинг XXI асрда диний муросасизлик ва қарама-қаршиликлар жаҳон хавфсизлигига раҳна солиши ҳамда бу можаролар давлатлар олиб бораётган сиёсатда эмас, балки цивилизациялар ўртасидаги қарама-қаршилик натижасида вужудга келиши борасида билдирган фикрлари кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Цивилизациялар ўзининг тарихи, тили, маданияти, анъаналари ва айниқса, дини билан фарқланади. Дунёдаги турли цивилизациялар инсон, шахс ва гуруҳ, фуқаро ва давлат, эр ва хотин орасидаги алоқалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар турлича акс эттирилади. Ғарб олимларининг таъкидлашича, цивилизация хусусиятлари асрлар давомида шаклланади.

Бутун дунёда глобаллашув жараёнлари кетаётган даврда турли маданият ва дин вакиллари ўртасида хилма-хилликни ҳурмат қилиш, сабр-тоқатли бўлиш, конфессиялар бир-бирини тўғри тушунишида бағрикенглик тамойилларининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари диссертацияда ёритилган.

¹ Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 88.

² Mohammed Talbi. Tolerance et intolerance dans la tradition musulmane. Corporate author: Acadmie universelle des cultures (France). L'intolerance: Forum international sur l'intolerance, (la Sarbonne, 27-28mars 1997). – Paris: Editions Grasset & Fasquelle, 1998. – P. 54.

³ Ўша асар. – P. 55.

⁴ Philippe Douste-Blazy. Corporate author: Acadmie universelle des cultures (France). L'intolerance: Forum international sur l'intolerance, (la Sarbonne, 27-28mars 1997). – Paris: Editions Grasset & Fasquelle, 1998. – P. 231.

Ушбу бобдан хулоса қилиш мумкинки, бағрикенглик жамиятда тотувлик ва ҳамжиҳатлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу боис, ЮНЕСКО дунёда хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлашда бағрикенглик тамойилларини ривожлантириш мақсадида аъзо-давлатларнинг имкониятларини кенгайтириш учун тадбирлар ишлаб чиқиб, кўмак ва имтиёзлар яратиб бермоқда.

ЮНЕСКО ҳамкорлигида Барселона, Работ, Мальта, Аделаида, Мадрид ва Тошкентда ўтказилган халқаро анжуманларда диний, маънавий, ахлоқий нормалар ҳамда умуминсоний қадриятлар орқали турли дин ва маданиятлар ўртасида компромиссга келишиш, ўзаро тушунишнинг тарихий ва замонавий йўллари излашга муваффақ бўлинди.

Тадқиқотнинг **“Ўзбекистонда диний бағрикенглик: тарих ва воқелик”** деб номланган иккинчи боби икки банддан иборат бўлиб, унда мамлакатимиз тарихида миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги, Буюк Ипак йўлининг карвонлари нафақат савдогарлар, балки, турли маданият ва дин вакиллари учун кўприк вазифасини ўтагани, зардуштийлик, буддавийлик ва христианлик динларига доир осори-атиқалар ҳамда ҳозирги кунда республикамызда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Иккинчи бобнинг *“Ўрта Осиё тарихида миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги”* деб номланган биринчи бандида халқимиз менталитетига хос миллий ва диний қадриятлар тарихий мисолларда ўзининг ифодасини топган.

Ўрта Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминида қадим замондан ислом билан бошқа динлар, маданиятлар ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди.

“Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг диний бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради”¹.

Бу борада Архиепископ Владимирнинг фикрлари ўринлидир: “XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган деҳқонлар

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 61.

ночор аҳволга тушиб қолганда, маҳаллий аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон “маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”, – деб гувоҳлик берган”¹.

Туркистон ерларига кириб келган Рус православ руҳонийлари асосий эътиборни миссионерлик фаолиятига эмас, балки ўз жамоаларининг диний эҳтиёжларини қондиришга қаратганлар. Православлар черков курганларида маҳаллий мусулмон аҳоли ҳам ёрдам кўрсатгани маълум. Масалан, Чирчик шаҳридаги “Муқаддас Георгий” ибодатхонаси қурилишига маҳаллий имом ва савдогарлар моддий эҳсон қилганлар². Бу ҳолат икки дин вакиллари орасидаги ўзаро ҳурмат ўша даврлардан шаклланишига далил бўла олади. Тадқиқотда бундай тарихий мисоллар кўплаб келтирилган.

Умуман, тарихий манбаларда Ўзбекистонда диний ва этник муносабатлар асосида бирор марта ҳам низо чиқмагани қайд қилинган. Бундай ҳолатни ҳозирда ислом, христиан, яҳудий динлари ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу каби дўстона муносабатлар хусусида Президент Ислам Каримов: “Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига аризуликдир”³, – дея воқеликни аниқ ифода қилди.

“Конфессиялар ва миллатлараро тотувлик борасида Ўзбекистон тажрибаси” деб номланган иккинчи бандида давлатнинг дин соҳасида олиб бораётган сиёсати, ижтимоий-маънавий ҳаётимизда диннинг ўрни ҳамда мамлакатимиздаги турли конфессиялар ва миллатлараро тотувлик халқаро ҳамжамият томонидан эътирофи қатор қиёсий-тарихий факт ва далиллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Ҳар қандай кўпмиллатли ва кўп динли давлатда миллатлараро тотувлик, конфессиялараро ҳамкорлик жамиятдаги барқарорлик ва тараққиётга мустаҳкам замин яратувчи, унинг истиқболини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 диний конфессия вакиллари ўзаро тинчлик, ҳамжихатликда истиқомат қилмоқда⁴. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган, донишмандлик, инсонпарварлик ва адолатпарварлик тамойиллари асосига қурилган сиёсатнинг натижасидир.

¹ Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. – Т.: 2000. – С. 43.

² Ибрагимов Э. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 69.

³ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 102.

⁴ Ибрагимов Э. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 3.

Мустақиллик йилларида республикада қатор халқаро диний анжуманлар, жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган алломаларимиз юбилейлари билан бир қаторда, бошқа диний конфессия тадбирлари ҳам халқаро миқёсда нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси диний бағрикенглик ва динлараро муроа борасида бутун дунёга намуна бўлмоқда. Бу ҳақда Москва ва бутунрус патриархи Алексей II, АҚШ сенатори, ҳозирда Ташқи ишлар вазири Хиллари Клинтон хоним ва собиқ АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтлар юртимизга таширифлари давомида таъкидлаб ўтганлар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг сони ўсди. Хусусан, 1990 йилда республикада 119 та диний ташкилот (89 та исломий ва 30 та ноисломий) мавжуд бўлган бўлса, 1991 йилда 179 тага (146 исломий ва 33 ноисломий) етди, 2008 йилнинг сентябрига келиб эса, уларнинг сони 2228 тани (2049 та исломий, 179 та ноисломий) ташкил этди¹.

Шу ўринда ноисломий диний ташкилотлар қаторида Рус Православ черкови, Рим-католик черкови, Немис Евангель-лютеранлар черкови, Арман Апостоллик черкови, Яҳудийлар ва Баҳойлар диний жамоалари, Буддавийлар ибодатхонаси, Библия китоб жамияти каби ташкилотларни санаш мумкин.

Муҳими, мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштиришда орттирилган ўзига хос тажриба жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Ушбу бобдан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ҳудудида зардуштийлик, буддавийлик, ислом ва христианлик динлари эзгулик, бағрикенглик асосида фаолият юритиб, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини намоён этган. Азалдан миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик ўлкаси бўлмиш Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси дунё олимлари эътиборини ўзига қаратмоқда.

Учинчи боб **“Диний бағрикенглик тамойиллари борасида халқаро ҳамкорлик”** деб номланиб, у икки бандни ўз ичига олади. Унда ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳамкорлиги, ЮНЕСКОга аъзо-давлатлардан Франция ва Ўзбекистонда дин соҳасида кўрилаётган чора-тадбирларнинг ўхшашлик ҳамда фарқли жиҳатлари тарихийлик ва қиёсийлик принциплари асосида ўрганилди.

Учинчи бобнинг биринчи банди **“ЮНЕСКО ва Ўзбекистон алоқалари”** деб номланади. Ушбу бандда бу нуфузли ташкилот билан Ўзбекистоннинг кенг қиррали муносабатлари, жумладан, бағрикенглик тамойиллари борасидаги ҳамкорлиги тадқиқ этилди.

Бугунги кунда давлатнинг кучи ва мавқеи нафақат унинг ҳудуди ёки ҳарбий кучи билан балки, унинг илмий-техникавий салоҳияти, маданият ва таълим даражаси билан белгиланмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбарияти

¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – Б. 55.

қайд этилган соҳаларни ривожлантириш орқали мамлакатимиз мустақиллиги ҳамда халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги алоҳида эътиборга лойиқ. ЮНЕСКО ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган: “ЮНЕСКО – халқаро ташкилот сифатида бугунги кунда илм, фан, маданият ва таълимнинг миллий тараққиётини интеграция орқали бойитмоқда ҳамда дунё халқларини инсониятнинг бой маънавий мероси билан ошно қилаётган кўприкка айланган”.

Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий ўтмиши истиқлолга қадар ҳам ЮНЕСКО эътиборини ўзига жалб этган. Ўзбекистон ЮНЕСКО ҳамкорлиги узоқ тарихга эга. Бунга Абу Райҳон Беруний (1973 й.) ва Абу Али Ибн Синонинг 1000 йилликлари (1980 й.), Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигини (1983 й.) ЮНЕСКО раҳнамолигида нишонланиши ҳамда ЮНЕСКОнинг “Буюк Ипак йўли – ҳамкорлик йўли” дастурининг (1987-1997 йй.) Ўзбекистонда амалга оширилганлиги ва бу дастур доирасида Ўзбекистонга бир неча илмий экспедициялар ташкил этилганлиги (1990-1991 йй.) фикримизга далил бўла олади.

1993 йилнинг 26 октябрида Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо бўлиб, унинг фаолиятида фаол иштирок эта бошлади ва қатор халқаро конвенцияларга қўшилди. Тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон ЮНЕСКО билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. У жаҳоннинг эзгулик сиёсатини ривожлантиришда иштирок этиш мақсадида халқаро миқёсда маънавий алоқаларни кенгайтирмоқда ва мустаҳкамлаш учун барча имкониятлардан фаоллик билан фойдаланмоқда.

Мустақиллик йилларида Мирзо Улуғбек 600 йиллиги (1994 й.), Амир Темур 660 йиллиги (1996 й.), Имом Бухорий 1225 йиллиги ва Аҳмад Фарғоний 1200 йиллиги (1998 й.), Камолиддин Бехзод 545 йиллиги (2000 й.) каби буюк аجدодларимиз юбилейлари ЮНЕСКО раҳнамолигида халқаро миқёсда нишонланди. Шу билан бирга, Хива ва Бухоронинг 2500 йиллиги (1997 й.), Термизнинг 2500 йиллиги ва Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги (2002 й.), Қаршининг 2700 йиллиги (2005 й.), Самарқанднинг 2750 йиллиги ва Марғилоннинг 2000 йиллиги (2007 й.) ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллиги (2009 й.) юбилейлари халқаро даражада ўтказилди.

Мамлакатимиз бир неча асрлар давомида бағрикенглиги билан дунёга танилган. Шу боис, бу соҳадаги ЮНЕСКОнинг муҳим фаолияти ва ролини кадрлаб, динлараро мулоқотни ривожлантиришда Ўзбекистон ЮНЕСКО билан ҳамкорликка катта аҳамият бермоқда ва жамиятни маънавий янгилашга интиломоқда.

1995 йилда асос солинган “Динлараро мулоқот”, 2000 йилда эълон қилинган “Халқаро тинчлик маданияти” дастурларининг амалга

оширилишида Ўзбекистоннинг муносиб ҳиссаси бор. Юртбошимиз ташаббуслари билан 2000 йилнинг сентябрь ойида ЮНЕСКО Динлараро мулоқот халқаро конгрессини Тошкент шаҳрида ўтказилиши фикримизга далил бўла олади.

Тадқиқотда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигининг турли кирралари факт ва рақамлар билан жадваллар асосида ёритиб берилган.

Учинчи бобнинг иккинчи банди *“ЮНЕСКОга аъзо-давлатлардан Франция ва Ўзбекистонда дин соҳасидаги ислохотларнинг ўхшашлик жиҳатлари”* деб номланди.

Мазкур бандда Франция ва Ўзбекистонда дин соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар тарихий-қийсий таҳлил қилинган.

Франция аҳолисининг тахминан 80 фоизи, яъни 48 миллион кишини католиклар ташкил этиб, улар мамлакатнинг тарихий, миллий ривожланишида, умуман жамиятда муҳим ўрин тутадилар. Бироқ кейинги йилларда Францияда мусулмонлар сони ортиб бориши натижасида мамлакатнинг ички вазиятида бироз ўзгаришлар юз берди. Ҳозирда Франция тахминан 6 миллионлик мусулмон аҳолиси билан Европада энг катта мусулмон жамиятига эга мамлакат ҳисобланади¹. Ислом динини қабул қилган француз миллатига мансуб мусулмонлар сони 50 мингга етади.

Францияда 1905 йилда қабул қилинган “Динни давлатдан ажратиш тўғрисида”ги қонунга кўра, давлат диндан ажратилган бўлса-да, унинг мамлакат оммавий ҳаётидаги ўрни катта. У кўпмиллатли, дунёвий давлат бўлиб, унда барча дин вакиллариининг тенг ҳуқуқлилиги қонун билан қафолатланган. Бироқ динни тарғиб қилиш таъқиқланади, дин давлатнинг сиёсий ҳаётига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди.

Сўнгги йилларда Францияда мусулмонлар сони ортиши билан турли ислом сиёсий партиялари ва ҳаракатларининг бўлимлари, жумладан, радикал кўринишдаги уюшмалар фаолияти натижасида “сиёсий ислом” ўзининг юқори чўққисига кўтарилди.

Ушбу жараёнларда ислом давлатларининг Париждаги дипломатик ваколатхоналари ўз таъсирини мустаҳкамлашга бўлган уриниши ҳам муҳим роль ўйнади. Бундай жараёнлар Ўзбекистонда ҳам ўтган асрнинг 90-йиллари бошида кузатилди. Бироқ республика раҳбариятининг қаттиқ ва аниқ олиб борган сиёсати сабабли уларнинг олди олинди.

Бундай ҳолатларни ҳисобга олиб, француз ҳукумати мусулмонлар жамияти билан мулоқот ўрнатиш борасида фаол саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Ички ишлар вазирлиги ҳузурида турли кўмиталар ташкил этилиб, уларга француз экспертлари билан бир қаторда мусулмонлар ва имомлар аъзо этиб тайинланди. Имомларни аттестациядан ўтказиш ғояси 2004 йилда Н.Саркози томонидан илгари сурилди.

Мамлакатимизда эса бу жараён 1998 йилда бошланган эди. Ўзбекистон

¹ Kepel G. et Leveau R. Les musulmans dans la société française. – Paris: Sodis, 1988. – P. 4.

мусулмонлари идорасининг махсус ҳайъати республикадаги 4000 дан зиёд имом-хатибни синовдан ўтказди. Мазкур синов натижасида аниқланган диний ақидапарастлик ва мутаассиб ғояларни фаол тарғиб қилаётган, намозхонлар орасида низолар чиқишига сабабчи бўлган имомлар ўз вазифасидан четлаштирилди.

2004 йилнинг март ойига келиб, Францияда диний либослар, тақинчоқлар ва рамзий белгилар, жумладан, ҳижоб, яҳудийлар дўпписи, христианлик белгиларини жамоатчилик жойларида кийиб ёки тақиб юришни таъқиқловчи қонун қабул қилинди.

Ўз навбатида бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 1998 йил Ўзбекистонда ҳам “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун¹ қабул қилинганда, Ғарб ОАВ вакиллари ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги турли хабарлар тарқатилган эди.

Фикримизча, Европа давлатлари, ҳаттоки, илғор демократик давлат Франция ҳам Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан мустақилликка эришган кунларданок олиб борилаётган сиёсатни тушуниш ва тан олишни бошлади. Эндиликда Европалик етакчилар айнан бизнинг узок муддат танқидга учраган чора-тадбирларимизни қўлламоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тарихий мероси ва маданий обидаларининг ЮНЕСКО томонидан бутунжаҳон рўйхатларига киритилиши мамлакатимиз жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини, халқаро жамоатчилик тан олганини кўрсатади. Тарихий-маданий меросни сақлаш ва ҳимоя қилишда ЮНЕСКО тажрибаси, дастурлари ва тавсиялари муҳим ўрин тутади. Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш мақсадида Франция ҳукумати томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат билан ўхшашлик жиҳатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тўғри эканлигини исботлади.

ХУЛОСА

Тадқиқотда ўрганилган мавзунинг илмий, амалий аҳамияти ва долзарблигидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

– ЮНЕСКО БМТнинг ихтисослашган ташкилоти сифатида муайян тарихий ривожланиш босқичига эга бўлиб, ҳозирги кунда таълим, фан, маданият, коммуникация ва ахборотлаштириш соҳалари орқали дунёда тинчликни барқарорлаштиришда алоҳида ўрин эгаллайди.

– XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ер юзининг айрим нуқталарида халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг ривожланиши, бутун жаҳонга хавф солиб туриши барчамизни унга қарши курашишга, тинчлик, хавфсизлик

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрири). – Т.: Адолат, 1998.

ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш учун бирлашишга ундади. Шу боис, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни таъминлаш ЮНЕСКОнинг бирламчи мақсад ва асосий йўналишлардан бўлиб, бу борада ташкилот томонидан қатор анжуман, конференциялар ўтказилди.

Жумладан, Барселона (1994), Работ (1995), Мальта (1997), яна Работ (1998), Бишкек (1999), Тошкент (2000), Аделаида (Австралия, 2004) шаҳарларида ўтказилган халқаро анжуманларда қатор халқаро ҳужжатлар, декларациялар қабул қилинди. Ушбу халқаро ҳужжатлар асосий урғуни таълим ва тарбия жараёнида маданиятлар ва динлараро мулоқотга алоҳида эътибор қаратишни тавсия этиб, муаммони ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилди.

– ЮНЕСКО томонидан ҳозирга қадар ишлаб чиқилган 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қаторида 1995 йилнинг 16 ноябрида қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар қайд этилган.

Маданият ва динлар ўртасидаги мулоқот инсониятнинг узлуксиз ривожланиш даврида ўта муҳим омиллардан ҳисобланади. Айниқса, глобаллашув туфайли келиб чиқаётган салбий ҳолатлар – диний, ирқий камситиш, инсон ҳуқуқларининг бузилиши, мурасасизлик, бағриторлик, зўравонлик каби иллатларнинг олдини олиш ҳамда турли дин ва маданият аҳллари орасида тинчлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашда ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган бағрикенглик тамойиллари асос вазифасини ўтайди.

– Ўзбекистондаги миллатлараро ҳамжиҳатлик ўзининг мустаҳкам тарихий илдизларига эга. Бизнинг ҳудудимиз минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдо-сотик, илм-фан, маданият марказлари вужудга келган. Уларнинг ривожланишида халқимизга хос бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга маданият вакиллариغا ҳурмат туйғулари асосий омиллардан бўлган. Шунинг учун ўлкамизда турли халқлар урф-одат ва анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланиб борган.

– Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритган зардуштийлик, буддавийлик, ислом ва христианлик каби дин вакиллариининг ҳамжиҳатликда яшаб келиши диний бағрикенглик илдизлари чуқур бўлганидан далолатдир.

– Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат ва дин, диний ташкилотлар ўртасидаги ҳуқуқий асослар яратилди. Мусулмонларнинг Рамазон ва Қурбон ҳайити байрамларининг биринчи куни - дам олиш кунлари деб эълон қилиниши, Қуръони каримнинг ўзбек тилида кўп сонли тиражда қайта-қайта нашр этилиши, Макка ва Мадинага ҳаж сафари ташкил қилинишига давлат ёрдамининг йўлга қўйилиши, масжидлар ва ислом ўқув юртлари қурилишига рухсат этилиши ва бошқа қатор хайрли ишларнинг

амалга оширилиши ҳукуматнинг динга нисбатан муносабати ва сиёсатига доир баъзи ноҳолис фикр ҳамда турли мулоҳазалар мутлақо асоссиз эканлигини яна бир қарра исботлади.

– Бу борадаги давлат сиёсати ва бошқа омилларнинг барчаси бевосита ёки билвосита Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Мазкур жараёни минтақамизга бевосита туташ Шарқ олами, шунингдек, жуғрофий жиҳатдан йироқ Ғарб ҳам диққат билан кузатиб бормоқда.

– Мамлакатимиз тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш жараёнлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Муҳими, мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштиришда орттирилган ўзига хос тажриба жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

– Ўзбекистоннинг БМТ, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, халқаро ҳуқуқ бўйича тан олинган меъёрлар ва БМТнинг инсон ҳуқуқларининг турли жабҳаларига тааллуқли қатор халқаро шартнома ва битимларига қўшилиши мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувини жадаллаштирди.

– Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги илмий-маданий ҳамкорлик алоқалари узоқ тарихга эга ва бу алоқалар кенгайиб, йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина юртимиз алломаларининг таваллудлари халқаро миқёсда ЮНЕСКО доирасида нишонланишининг ўзиёқ, миллий ва диний қадриятларимиз дунёда нақадар муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

– Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги қатор моддий-маънавий, тарихий обидалар умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлиги Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганининг яққол исботидир.

– Ўзбекистонда маданиятлар ва динлараро бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш ва жаҳон ҳамжамиятида тарғиб этишда ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоқалари алоҳида ўрин эгаллайди.

– Европанинг энг катта мусулмон жамиятига эга Франция ижтимоий ҳаётида ислом омили муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда ушбу давлатда “исломнинг фаоллашуви” расмий доираларни мусулмон жамиятини Франциянинг ижтимоий ва маданий ҳаётига интеграция қилиш учун чора-тадбирлар кўришга ундамоқда.

– Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш мақсадида Франция ҳукумати томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат билан ўхшашлик жиҳатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғри эканлигини исботламоқда.

Диссертация натижаларига кўра қуйидаги тавсиялар таклиф қилинади:

1. ЮНЕСКОнинг маданиятлар ва динлараро бағрикенглик дастурлари доирасида ривожланган давлатлар билан тажриба алмашиш ҳамда турли илмий-амалий тадбирлар ўтказиш орқали ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

2. Тошкент ислом университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик” номли махсус ўқув курсини ташкил этиш.

3. Ўзбекистонда динга бўлган муносабат тўғрисидаги бир томонлама, юзаки, ҳақиқатдан йироқ фикрларга барҳам бериш мақсадида, чет эл оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ҳақидаги маълумотларни кенг миқёсда тарғиб қилиш.

4. Миллатлар ва динлараро мулоқот маданиятини янада ривожлантириш мақсадида Тошкент ислом университети, Имом ал-Бухорий халқаро маркази каби ташкилотларнинг қардош хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлигини кенгайтириш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хошимов М. ЮНЕСКО бағрикенглик тамойилларининг Ўзбекистонда татбиқ этилиши // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2004. – № 3. – Б. 60-63.

2. Хошимов М. ЮНЕСКО Ўзбекистонда: толерантлик ғоясининг тарғиб этилиши // Ҳуқуқ Право Law. – Тошкент, 2004. – № 4 (28). – Б. 88.

3. Хашимов М. Политика религиозной толерантности Узбекистана – основа стабильности // Халқаро муносабатлар. Сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ. – Тошкент, 2007. – № 3. – Б. 77-84.

4. Хошимов М. Диний бағрикенглик тарғиботи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2008. – № 1. – Б. 64-66.

5. Хошимов М. ЮНЕСКО фаолиятида тинчлик ва бағрикенглик тамойиллари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2008. – № 2 (38). – Б. 36-37.

6. Хашимов М. Государственная политика в обеспечении межрелигиозного согласия в Республике Узбекистан // Исламские ценности Центральной Азии: толерантность и гуманизм. Историко-философские аспекты. Материалы Международной научной конференции (Ташкент, 2007 г.). – Т.: ТИУ, 2008. – Б. 204-208.

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор **Хашимов Мухиддин Исмаиловичнинг** 24.00.01 – Диншунослик ихтисослиги бўйича “ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари (Ўзбекистон Республикаси мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: ЮНЕСКО, дин, бағрикенглик, тинчлик, мулоқот, миллатлар, тотувлик, мурасасизлик, Франция, ислохотлар, эътироф.

Тадқиқот объектлари: ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари.

Ишнинг мақсади: ЮНЕСКО фаолияти ва Ўзбекистон ЮНЕСКО ҳамкорлиги мисолида дунёда барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда диний бағрикенглик тамойиллари аҳамиятини аниқлаш.

Тадқиқот методлари: қиёсий-таҳлилий, даврий муаммолик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: бағрикенглик тушунчасининг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва намоён бўлиш хусусиятлари тарихий-қиёсий нуқтаи назардан бирламчи манбалар, расмий ҳужжатлар асосида илмий таҳлил қилинди. ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳамкорлиги мисолида давлат ташқи ва ички сиёсатида диний бағрикенглик тамойилларини қўллаш самарадорлигини ошириш имкониятлари очиб берилди. Ўзбекистон ва Францияда дин соҳасидаги ислохотларнинг ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари аниқланди. Миллатлар ва конфессиялараро тотувлик борасида Ўзбекистон тажрибасининг жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий эътироф этилиши тасдиқланди.

Амалий аҳамияти: диссертацияда қайд этилган фикр-мулоҳазалар диний омилнинг моҳияти, ижтимоий роли ва вазифалари, унинг давлат ташқи ва ички сиёсатига таъсири ҳамда ҳозирги кунда бағрикенглик тамойилларининг аҳамияти ҳақидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштиради. Тадқиқот натижалари Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳамда жамоат ва диний ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришда фойдали манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот мавзуси бўйича 5 та илмий мақолалар чоп этилди, 3 та илмий анжуманларда маърузалар қилинди (1 та маърузанинг тезислари нашр этилган).

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижаларидан турли конфессия уюшмалари билан ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар фаолиятида, тарбиявий ишларда, олий ўқув юртларида “Диншунослик”, “Исломшунослик”, “Маданиятшунослик”, “Халқаро ташкилотлар”, “Ўзбекистон тарихи” ва бошқа курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации **Хашимова Мухиддина Исмаиловича** на тему “Принципы религиозной толерантности в деятельности ЮНЕСКО (на примере Республики Узбекистан)” на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 24.00.01 – “Религиоведение”

Ключевые слова: ЮНЕСКО, религия, толерантность, мир, диалог, нации, согласие, нетерпимость, Франция, реформы, признание.

Объекты исследования: принципы религиозной толерантности в деятельности ЮНЕСКО.

Цель работы: выявление значимости принципов религиозной толерантности в обеспечении межнационального и межконфессионального согласия и стабильности в мире на примере деятельности ЮНЕСКО и сотрудничества между Узбекистаном и ЮНЕСКО в данной сфере.

Методы исследования: сравнительно-сопоставительный и проблемно-хронологический методы анализа.

Полученные результаты и их новизна: осуществлен научный анализ значения и сущности понятия “толерантность”, принципов и особенностей толерантности с историко-сравнительной точки зрения на основе первоисточников и официальных документов. Раскрыты возможности для повышения эффективности использования принципа религиозной толерантности во внутренней и внешней политике государства на примере сотрудничества Узбекистана с ЮНЕСКО. Выявлены схожие и отличительные признаки реформ в области религии в Узбекистане и во Франции. Подтверждено положительное признание опыта Узбекистана в области межнационального и межконфессионального согласия со стороны мирового сообщества.

Практическая значимость: выводы и положения диссертации расширяют научно-теоретические знания о сущности религиозного фактора, его социальной роли и функциях, его влиянии на внешнюю и внутреннюю политику государств, а также о значении принципа толерантности в современном мире. Результаты исследования могут служить в качестве полезного источника в практической деятельности по обеспечению прав человека в процессе интеграции Узбекистана в мировое сообщество, совершенствовании деятельности религиозно-общественных организаций.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по теме исследования опубликованы 5 научных статей, прочитаны доклады в 3 научных конференциях (тезисы одного доклада были опубликованы).

Область применения: материалы диссертации могут быть использованы в деятельности организаций, сотрудничающих с различными конфессиональными структурами, в воспитательной работе, в ВУЗах при преподавании курсов “Религиоведение”, “Исламоведение”, “Культурология”, “Международные организации”, “История Узбекистана” и др.

RESUME

Thesis of M.Khashimov on the scientific degree competition of the Doctor of the philosophy in History on speciality 24.00.01 – Religious studies.

Subject: Principles of religious tolerance in activity of UNESCO (on the example of the Republic of Uzbekistan)

Key words: UNESCO, religion, tolerance, peace, dialogue, nations, consent, intolerance, France, reforms, recognition.

Subjects of research: application of principles of religious tolerance of UNESCO in Uzbekistan.

Purpose of work: exploring the significance of religious tolerance in securing interethnic and inter-religious harmony and stability in the world on the example of UNESCO's activities and that of cooperation between Uzbekistan and UNESCO in this field.

Methods of research: comparative and problematic-chronological methods of analysis.

The results obtained and their novelty: significance and essence of the notion of tolerance, principles and particularities of tolerance from historical and comparative perspective – have been conceptually analyzed on the basis of primary sources and official documents. Possibilities for efficiency increase in the utilization of principles of religious tolerance in domestic and foreign policies of a state have also been explored with the example of cooperation between Uzbekistan and UNESCO. Identical and distinguishing features of reforms in the area of religion in Uzbekistan and France have been discovered. The positive recognition by the world community of Uzbekistan's experience in the field of interethnic and inter-religious harmony has also been established.

Practical value: conclusions and provisions reached within the scope of the dissertation enhance the academic-theoretical knowledge of the essence of religious factor, its social role and functions, its impact on internal and foreign policy of a state, as well as the significance of principles of tolerance in the contemporary world. Outcomes of this work can be used as a useful source in the practical implementation of human rights protection within the framework of Uzbekistan's integration processes with the world community as well as in perfection of activities of religious and public organizations.

Degree of embed and economic efficiency: 5 academic articles have been published on the topic of research, and 3 reports have been presented at scientific conferences (theses of the one report have been published).

Field of application: materials of the dissertation can be used to educational ends in relevant organizations, associations and higher educational institutions in teaching special and principal courses on "Religious studies", "Islamic studies", "Cultural science", "International organizations", "History of Uzbekistan" etc.